2009 ЙИЛ, 31 АВГУСТ, ДУШАНБА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 173—174 (11.484—11.485)

Баҳоси эркин нархда




*«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»*







## ПОЙТАХТИМИЗ — ФАХРИМИЗ





**Дил изҳорлари**

# ҚАЛБИМИЗ ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

**Зоя ЦОЙ,**
**Республика мусиқа коллежи ўқитувчиси:**

— Кетма-кет хушхабарлар оғушидаман. Барчамизга бирдек азиз бўлган Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди. Бу ҳар бир ўзбекистонликнинг меҳнатига берилган муносиб баҳо.

Куни кеча бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловида совринли ўринга сазовор бўлдим. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонига лойиқ деб топилдим. Ижодкор бўлсамда, ҳиссиётларимни ифодалаб беришга сўз ожиз.

Ўзбекистон Тошкент тимсолида ҳар бир инсон муҳаббат ва ишонч топадиган юрт. Зеро, бу қутлуғ заминда меҳр-оқибат, дўстлик, бағрикенглик ҳукм суради. Мамлакатимизга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон буни эътироф этади. Шу боис, ишончим комилки, айнан меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик оғушида узоқ вақт бу ерни тарк этишни истамайди, Ўзбекистон билан боғлиқ таассуротлари хотирасида сақланиб қолади.

Айни кунларда ўз қувончимни дўстларим, бутун ўзбек аҳли билан ўртоқлашар эканман, ҳамманинг эзгу ният ва мақсадлари ижобат бўлишини истаб қоламан. Буюк келажак сари шахдам қадам ташлаётган Ўзбекистон порлоқ юлдуз каби дунёни ҳайратга солаверсин.

**Бизларга муқаддас шу Ватан керак,**
**Бизларга муқаддас тинч Ватан керак.**
**Сўрасангиз — миллатим асли корейс қизиман,**
**Ўзбекистон осмонида мен кичик юлдузиман.**

Мен яна бир нишондор шаҳар Самарқандда таваллуд топганман. Дунё тан олган бу дурдона шаҳар олдида мен қарздорман. Дарҳақиқат, Тошкент ва Самарқанд менинг тақдиримни белгилаган шаҳарлардир. Тошкент кўчалари эса қалбимни жўш уришга даъват этувчи қадриятдир. Айнан шу ҳақда қўшиқ куйлайман:

**Кўчалар...Кўчалар... Ойдин кўчалар...**
**Бунчалар гўзалсиз дарё кўчалар...**

Агарда ҳаттоки бир фурсатга Тошкентдан йироқда бўлсам менга бутун башарият тор кўринади.

**Акмал АҲМЕДОВ,**
**«Пахта тозалаш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти бўлим мудири:**

— Аввалламбор барчани Энг улуғ, энг азиз байрам — давлатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан табриклайман. 22 асрлик ёшини қаршилаган нишондор азим шаҳримиз юбилейи ҳам ҳаммамизга муборак бўлсин.

Мустақиллик туфайли биз кўп соҳаларда имкониятларимизни ўз кучимиз билан синовдан ўтказиб, яққол намоён этишга мушарраф бўлдик. Пахта саноати ривож топиб, бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остидаги табиий матолардан тайёрланган маҳсулотларимиз кўплаб дунё мамлакатлари эҳтиёжини қондириб келмоқда, дейишга ҳақлимиз. Бу борада бизнинг илмий ишлаб чиқариш бирлашмамизнинг ҳам ўзига яраша хизмати бор, хусусан, хомашёни етиштиришдан тортиб то тайёр маҳсулотгача бўлган юқори сифат кўрсаткичларига асос яратаётирмиз. Ўзбек пахта толасидан дунё кийинаётган экан, демак, қилаётган саъй-ҳаракатларимиз бесамар эмас.

Ҳа, Мустақиллик бизга мана шундай имкониятларни очиб берди. Шуни ҳам кўпчиликка эслатиб ўтмоқчиманки, бир пайтлар мазкур бирлашма негизида ўзбек олимлари олиб борган илмий тадқиқотлар кўплаб давлатларга тажриба сифатида кенг ёйилган, аммо ўзгалар ютуғи дея ҳисобланар эди... Истиқлол ўзлигимизни англашга, ўз номимизни тиклашга имконият берди.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошликка эришиш учун изланишлар, ҳамкорлик алоқалари зарур. Бугунги кунда бу борада Ҳиндистон, Хитой давлатлари билан биргаликда янги-янги технологиялар устида иш олиб бормоқдамиз. Замон талабига мос ИСО-9001 тизимини тўлиқ шакллантириш арафасидамиз. Албатта, бу ишлар мажмуавий ёндошувни тақозо этади.

Айни пайтда ички бозорда кооперация алоқаларимиз кенгайиб бораётир. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кўплаб ўзимизнинг корхоналаримиз билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Бу эса давлатимиз илгари сураётган иқтисодий юксалиш сиёсатининг асосий бўғинларидан биридир.

Пахта саноати соҳасида қилган меҳнатим Юртбошимиз томонидан юксак эътиборга олинганидан миннатдорман, ғурурланаман. Давлат мукофоти жамоамиз билан янги-янги муваффақиятларга эришишимизда катта ишонч ва масъулиятдир.

Оиламиз қувончига кўпчилик ҳамроҳ бўлишини истаган ҳолда, шуни ҳам фахр билан айтмоқчиманки, катта акам Ашраф Аҳмедов ҳам Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонларига асосан давлат мукофоти билан тақдирланди.

Фақат ҳақиқий Мустақил юрт ўз фарзандларини мана шундай эъзозлайди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Истиқлол айёми ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тантаналарига тайёргарликни маромига етказиш борасида ўзаро фикр алмашилди.

✓ **МИРОБОД** туманидаги Ғафур Ғулом ҳамда Мирзо Улуғбек номли маданият уйлари ҳамкорликларида юртимиз Истиқлолининг 18 йиллиги ва азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари, тўгараклар раҳбарлари, қатнашчилари иштирок этишди.

✓ **ИСТИҚЛОЛ** айёми ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги арафасида замонавий тиббий технологиялар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика ихтисослашган Акушерлик ва гинекология маркази биноси фойдаланишга топширилди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейида бухоролик ёш ижодкор Марҳабо Магдиеванинг «Кашталарда юртим жилоси» номли шахсий кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган бўлиб, ижодкорнинг турли мавзу ва йўналишдаги энг сара асарларидан ташкил топган.

● Сурхондарё вилояти маркази ҳисобланмиш Термиз шаҳрида Мустақиллик байрами арафасида «Термиз китоб савдо» уйи фойдаланишга топширилди. Бу ердаги пештахталардан мамлакатимизда ва хорижда нашр этилган бадиий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларга оид янги-янги адабиётларни харид қилиш мумкин.

● Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 400 ўринга мўлжалланган, ижтимоий, аниқ фанлар, табиий ва хориж филологияси йўналишлари бўйича таълим беришга ихтисослашган янги академик лицей ўз эшикларини очди. Янги ўқув йилида лицейдан ўрин олган лингафон ва лаборатория хоналари, компьютер синфлари, спорт зали ва стадион ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Мазкур лицей биноси «Маҳмуд-Достон» қурилиш корхонаси томонидан бунёд этилган бўлиб, қурилиш ишларига 3 миллиард 380 миллион сўм маблағ сарфланди.

● Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида “Оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш – давр талаби: журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикаси” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Қарши шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича энг намунали маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичи якунланди.

### ЖАҲОНДА

● Японияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Юкио Хатаяма раҳбарлигидаги мухолифатдаги Демократик партия ғалаба қозонди. Эндиликда Хатаяма Бош вазир сифатида ҳукуматнинг янги таркибини шакллантиради.

● «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра Афғонистонда бўлиб ўтган президент сайловларида 550 дан ортиқ йирик қоидабузарликларга йўл қўйилган.

● Жорий йилнинг 17 августида Россиянинг Саян-Шушен ГЭСида рўй берган йирик техноген авария муносабати билан «РусГидро» компанияси ГЭС раҳбариятини янгилади.

● Кеча Польшанинг Радом шаҳрида ташкил этилган авиашоу пайтида Белоруссиянинг Су-27 русумли қирувчи самолётининг ҳавода машқларни бажараётган пайтида ҳалокатга учраши натижасида ҳар иккала учувчи ҳаётдан кўз юмди. Дастлабки тахминларга кўра самолётнинг ҳалокатга учрашига унинг моторига қуш кириб қолганлиги сабаб бўлган.

● Кеча Саян-Шушен ГЭСида амалга оширилаётган қидирув ишлари чоғида ҳалок бўлган яна бир ходимнинг танаси топилди. Шу тариқа авария натижасида ҳаётдан кўз юмганларнинг сони 72 кишига етди, уч киши эса бедарак йўқолган.

● Кеча финляндиялик К.Райкконен «Формула-1» нуфузли автопойгаларининг Бельгияда ўтказилган мусобақалари Гран-присининг соҳиби бўлди.

● Покистоннинг Сват водийсида террорчи-камикадзенинг аҳоли гавжум жойда ўзини ўзи портлатиб юбориши натижасида 14 киши ҳалок бўлди.

● Покистон чегарачилари НАТОнинг Афғонистонга ўтиш мумкин бўлган қуруқликдаги ягона транспорт коридорини ёпдилар.

● Кучи жиҳатидан тўртинчи тоифага чиққан «Химена» бўрони тезлик билан Мексика қирғоқларига яқинлашмоқда.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг 18 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, Жаноби Олийлари, ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва энг эзгу тилакларни йўллаб қоламан.

Мамлакат истиқлолга эришгандан сўнг ўтган 18 йил мобайнида Ўзбекистон ҳукумати ва халқи Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида давлат суверенитети ва мустақиллигини асраш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва хорижий давлатлар билан узлуксиз алоқаларни кенгайтириш йўлида фаол интилмоқда ҳамда мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида қатор эътиборли муваффақиятларга эришди. Бу бизни чин кўнгилдан бениҳоя қувонтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилган кундан эътиборан Хитой — Ўзбекистон алоқалари соғлом ва муваффақиятли ривож топди. Икки давлатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий ҳамда хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлиги узлуксиз кенгаймоқда. Хитой ва Ўзбекистон ҳар иккала томонни ҳам ташвишга солиб турган муҳим ва жиддий масалаларда бир-бирларини қатъий қўллаб-қувватламоқда, ШҲТ, БМТ каби халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпти, мамлакатлар умумий манфаатларини самарали ҳимоя қилиб, минтақа ва дунё тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Мен Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик борасидаги шериклик муносабатларини узлуксиз илгари суришда Сиз билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларга тайёрман.

Жорий йилда мамлакатингиз пойтахти Тошкент 2200 йиллик юбилей байрамини нишонлайди. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Жаноби Олийлари ва Тошкент шаҳри аҳлига самимий табрикларимни изҳор этаман. Тошкент шаҳрига янада ёрқинроқ гўзаллик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги ютуқларга эришишини ва унинг аҳолисига фаровонлик тилаб қоламан.

Биродар Ўзбекистонга қудрат ва равнақ ҳамда унинг халқига бахт-саодат тилайман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ ва олий даражадаги давлат фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ва ўз номимдан самимий табрикларни изҳор этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасида тарихан қарор топган дўстлик муносабатлари кейинчалик олий даражадаги ташрифлар билан мустаҳкамланди. Сиз билан биргаликда икки томонлама алоқаларни ва минтақадаги ўзаро манфаатларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга умид билдираман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, биродар Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилаб қолгувчи эзгу истакларимни билдираман.

Юксак эҳтиром ила,

**Пратибха Девисингх ПАТИЛ,**
**Ҳиндистон Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва тарихий Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда қардош Ўзбекистон халқига афғон халқи ва ўз номимдан самимий табрикларни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Афғонистон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги яқин қўшничилик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган дўстона муносабатларни биз жуда қадрлаймиз ва мазкур алоқаларнинг янада ривожланишига тилакдошмиз.

Ушбу муносабатлар вақти соати келгач ва эзгулик, шунингдек, тарихий, маданий ва диний умумийлик боис мустаҳкамланиб, янада ривож топишига аминманлари.

Сизга, Жа̀ноб Олийлари, мустаҳкам соғлиқ, дўст ва биродар Ўзбекистон халқига муваффақият ҳамда равнақ тилаб қоламан.

**Ҳамид КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Миллий Ассамблеянинг Юқори палатаси номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва шавкатли ўзбек халқига 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни ҳамда кўҳна ва навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан самимий дил изҳорим ва қутловларимни йўллашдан бахтиёрман.

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги қардошлик алоқалари икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ҳамкорлик ва дўстлик йўналишида ривожланишига умид билдираман.

Таъкидлаш жоизки, терроризмга қарши кураш, Афғонистонда, минтақа ва дунёда барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни чиндан ҳам муҳим ва аҳамиятлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эзгу истак билан,

**Профессор Ҳазрат Себғатулла МЎЖАДЕДДИЙ,**
**Афғонистон Миллий Ассамблеяси**
**Юқори палатаси (Мишрано Джирга) раиси.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 18 йиллиги ва азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамлари муносабати билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

18 йил муқаддам Сиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини эълон қилган тарихий воқеани доимо қалбимиздаги бир ҳаяжон ила эслаймиз, юрт истиқлолини биз қўллаб-қувватлаймиз ҳамда самимий ёқлаймиз.

Бугун биз мамнуният билан Сизнинг моҳирона раҳбарлигингизда дипломатия, мустақилликни мустаҳкамлаш, маданиятни тиклаш, тарихий ва диний ёдгорликларни қайта таъмирлаш каби соҳаларда амалга оширилаётган катта ўзгариш ва янгиланишларни фахр ила нишонламоқдамиз. Шунингдек, Уюшмамизга бўлган эътиборнинг тобора кучайиб бораётганини юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистонга битмас-туганмас мустақиллик ва равнақ ҳамда Сизга муваффақият ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,

**Абдулла ХЎЖА,**
**Туркистон — АҚШ уюшмаси**
**Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрига асос солинганига 2200 йил тўлиши муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига самимий табрикларимни йўллаш мен учун шарафдир.

Сизга ўз тилакларимни изҳор этаман ва Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий соҳаларда улкан муваффақиятлар ва ижобий натижаларга эришишда давом этишини истаб қоламан.

Тошкент — йирик пойтахт ва юртингиз маданий ва инсоний қадриятларга бойдир.

Яна бир бор энг эзгу тилакларимни изҳор этар эканман, жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этишингизни сўраб қоламан.

**Патрик ОЛЛЬЕ,**
**Руэй — Мальмезон шаҳри мэри,**
**Франция Миллий Ассамблеяси**
**Иқтисодий масалалар бўйича комиссияси раиси.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Куала — Лумпур мэрлиги ва шахсан ўз номимдан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамлари муносабати билан энг самимий қутловларимни йўлламоқчиман.

Яратгандан халқингизни доимо ўз паноҳига олишини сўраб қоламиз. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Самимий тилаклар ила,

**Дато Аҳмад Фуад бин ИСМОИЛ,**
**Куала — Лумпур шаҳри мэри.**




**Юксак маънавиятли, соғлом ва теран тафаккурли баркамол инсонни тарбиялашда адабиётнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Истиқлол йилларида миллий адабиётимизни ҳар томонлама равнақ топтириш йўлида самарали фаолият кўрсатган фидойи ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, адабиёт оламига кириб келаётган умидли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улуғ адиб ва шоирларимизнинг ижодий меросини тарғиб ва ташвиқ этиш давлатимизнинг доимий эътиборида.**

# МУСТАҚИЛЛИК — МАСЪУЛИЯТ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙЙИД бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида адабиёт кишиларни маънавий уйғоқликка, покликка, юксак инсоний ғояларга даъват этувчи, инсоннинг маънавий оламини кашф этувчи қудратли восита экани алоҳида таъкидланган, — дейди С.Саййид. — Дарҳақиқат, адабиёт инсоншунослик, шоир ва ёзувчилар эса инсон руҳининг муҳандислари деб бежиз таърифланмаган. Халқимиз шоир ва ёзувчи деганда бутун ҳаётини, ноёб истеъдодини элга бағишлаган ижодкорларни тасаввур этади. Адабиёт, сўз санъати азалдан халқимиз ўртасида қалб ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келган.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтиришнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, адиб ва ёзувчилар ижодини тарғиб ва ташвиқ этиш, ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бу ўз навбатида бадиий адабиётимизнинг мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранглашиб боришида, адабий жараёнда янгидан-янги номлар, истеъдод соҳиблари пайдо бўлишида муҳим омил бўлиб, қалам аҳлининг ижодий изланиши учун катта уфқлар очмоқда.

Халқаро ҳамжамият сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаётган Ўзбекистонимизга, унинг истиқлол йилларида қўлга киритган асрларга тенг улкан ютуқларига, халқимизнинг маънавий илдизлари, урф-одат ва анъаналарига бутун дунёда қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда. Дунё халқлари юртимиз ҳақидаги тасаввурга тарихимиз, қадриятларимиз ва албатта, адабиётимиз орқали ҳам эга бўладилар. Айни пайтда миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намоён этиш, адабиёт ва бадиий таржиманинг назарий ва амалий жиҳатларини ҳар томонлама пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш борасида катта имкониятлар пайдо бўлгани қувонарлидир.

Бугунги мураккаб давр ҳар биримизни ўз олдимизга баланд ва юксак мақсад-муддаоларни қўйиб яшашга, маънавий баркамолликка, Ватан тақдири ва истиқболи учун дахлдорликни астойдил ҳис этишга, адабиёт аҳлининг жамият олдидаги ижтимоий бурчига масъулият билан ёндашишга ундамоқда.

Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида ҳам бу алоҳида таъкидланган. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башарият эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнатга, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун масъул уюшмамиз фаолияти самарадорлигини оширишга доир долзарб масалалар аниқ белгилаб берилган. Айни пайтда адиб ва шоирларнинг машаққатли меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижод аҳлининг шароитини яхшилаш, уюшма таркибидаги Адабиёт жамғармаси фаолиятини давр талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, кекса адибларга эътиборни кучайтириш, уюшманинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёш истеъдодларни юзага чиқариш, бадиий таржима, нашриёт ва нашр ишларига оид барча масалалар атрофлича таҳлил этилган.

Ижод аҳлига кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, ёзувчи ва шоирларни ғоят руҳлантирди. Шу билан бирга, бу катта масъулиятни англаган ҳолда бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали янги, юксак марраларга халқимизни даъват этиш, таълим-тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда доимо олдинги сафларида бўлишимизни талаб этади.

Жонажон Ўзбекистонимизни дунё узра таранум этиш, унинг бой ва бетакрор тарихини, нурли истиқболини улуғлаш, авлодлар хотирасида боқий сақлаш маънавий бурч, масъулият ва улкан шарафдир!

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ

**Энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан барча жойларда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» мавзуида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги Ҳувайдо маҳалласида бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда маҳалла аҳли, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ж.Шоҳакимов истиқлол йилларида мамлакатимизда, хусусан, пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, кўплаб замонавий маданий-маиший иншоотлар, таълим муассасалари, маҳалла гузарлари барпо этилгани ва мавжудлари қайта реконструкция қилингани, шунингдек, ички йўл ва йўлаклар таъмирлангани аҳолига қатор қулайликлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ва бошқаларнинг Ватан, истиқлол, тинчлик ва пойтахтимизнинг 2200 йиллигига аталган шеър ва ҳикоялари ўқилди. Таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН:

# МУСТАҚИЛЛИК САМАРАЛАРИ

**Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли ўртасида сўров ўтказди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимиз ушбу давр мобайнида босиб ўтган тарихий йўл, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилган кенг кўламли туб ўзгаришлар натижалари, эришилган ютуқлар фуқароларимиз томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлашдан иборат эди. «Ўзбекистон: мустақилликнинг 18 йили» деб номланган ушбу сўровда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолиси иштирок этди.**

Сўров давомида олинган ва ўтган йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан таққосланган маълумотлар истиқлол йилларида мамлакатимизни сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожлантиришда қўлга киритилган салмоқли ютуқлар аҳоли томонидан баҳоланишида ижобий ўзгаришлар рўй берганини кўрсатди. Бунда ижтимоий фаоллик ва келажакка ишончнинг юқорилиги Ўзбекистонда жамоатчилик фикрининг ўзига хос жиҳати экани яққол намоён бўлди.

Мамлакатимиз аҳолиси юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни мустақилликнинг энг асосий ютуқларидан бири, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, улар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда эътироф этилиши, унинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузининг ортиши, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича аниқ мақсадли чораларнинг амалга оширилиши, доимий иқтисодий юксалиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун пойдевор яратиш каби муҳим ютуқларни алоҳида таъкидлайди.

Юртдошларимизнинг Президент Ислом Каримовга, давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган доно, чуқур ўйланган ички ва ташқи сиёсатга ишончи ғоят даражада юксак. Фуқароларнинг фикрича, бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда сақланаётган барқарор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида обрўсининг ортиб бораётгани, миллий мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланаётгани билан боғлиқ.

Тадқиқот натижалари фуқароларимиз онгу шуурида Ватанимиз мустақиллиги ғояси йилдан-йил мустаҳкамланиб, устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатди. Аксарият фуқароларимиз (94,8 фоиз) ўтган 18 йил мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий, молиявий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан куч-қудрати ортди, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, фуқароларимизнинг давлат ва жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларида амалга оширилаётган ишлардан қониқиши ортиб бормоқда. Масалан, сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги (90,8 фоиз) мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва суръатлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит (89 фоиз), аҳолини, айниқса унинг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражаси (87,7 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлардан (86,4 фоиз) қониқиш ҳосил қилади.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим хусусиятларидан бири барча фуқароларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, моддий ва ижтимоий мақомини ошириш учун шарт-шароит яратиш вазифаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикрида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча туб ўзгаришлар замирида одамлар манфаати ётгани ҳақидаги қатъий ишонч мустаҳкамланмоқда. Сўровларнинг қиёсий натижалари шундан далолат берадики, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилаётгани туфайли Ўзбекистон аҳолиси фаровонлиги мунтазам ошиб бораётир.

Сўров давомида олинган маълумотлар мамлакатимиз мудофаа қобилиятининг эришилган айни пайтдаги даражаси, шубҳасиз, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий дахлсизлигини ишончли таъминлаш имконини беради, деган фикрдаги фуқароларимиз сони йил сайин кўпайиб бораётганидан дарак беради (94,3 фоиз). Бундай ишонч, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолиси ўртасида руҳий кўтаринкилик муҳитини яратади.

Жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича ўтказилган ушбу сўров Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлик даражаси, ўз давлати ишларига дахлдорлик ҳисси юқорилигини кўрсатди. “Сизнинг фикрингизча, инсон ўз мамлакати ва унинг муаммоларини ҳал этиш учун маънавий жавобгарми?” деган саволга аксарият сўров қатнашчилари тасдиқ жавобини берди ва бундай жавоблар сони йилдан-йил ортмоқда. Шуниси эътиборлики, ўз Ватани учун жавобгарлик ҳисси ва жамиятимиз олдида турган вазифаларни ҳал этишда иштирок этишга интилиш барча ҳудудлар аҳолиси, айниқса ёшлар учун ҳам хосдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқаролари миллати, яшаш жойи, ёши ва жинсидан қатъи назар, юксак ижтимоий кўтаринкиликни намоён этмоқда. Сўровда иштирок этган барча аҳоли қатламларининг вакиллари мамлакатимиз юқори даражада тараққий этиши ва фаровон бўлишига ишонади. Сўров қатнашчилари мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва тотувлик, ҳамюртларимизнинг эртанги кунга қатъий ишончи, халқимизнинг меҳнатсеварлиги, аҳоли турмуш даражаси, маданияти, маънавияти, билимининг мунтазам ошиб бораётгани, Ўзбекистоннинг тобора кенгайиб бораётган халқаро ҳамкорлиги, ресурсларимизнинг бойлиги жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берадиган асосий омиллардир, деб ҳисоблайди.

Ўтказилган сўровлар жамиятимизда истиқлол йилларида қонунни, инсон ҳуқуқлари, атрофдаги одамлар, хотин-қизлар, қарияларни ҳурмат қилиш каби демократик қадриятлар мустаҳкамланганидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, ижтимоий тадқиқотлар натижалари жамиятимизда аҳолининг ватанпарварлик фазилати тобора кучайиб бораётганини, ҳамюртларимиз Президентимиз юритаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганини, уларнинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий қудратини янада мустаҳкамлашга, унинг мавжуд улкан салоҳиятини янада ривожлантиришга ёрдам беришига қатъий ишонишини яна бир карра тасдиқлади. Зеро, халқимизнинг жонажон, буюк ва мустақил Ватанимизнинг фаровон келажаги йўлидаги фуқаролик масъулиятини теран ҳис этиши, бирлиги ва жипслиги бунинг мустаҳкам кафолати ҳисобланади.

**“Ижтимоий фикр” материаллари**
**асосида ЎзА мухбири**
**А.ИВАНОВА тайёрлади**

«ZIYO GRUP» МЧЖ

Қадрли юртдошларимизни
Энг улуғ ва энг азиз байрам —
Истиқлолимизнинг

18 йиллиги

билан самимий қутлайди.







*Мустақиллик, озодлик,*
*ҳурлик байрами муборак,*
*азиз юртдошлар!*



IPOTEKA BANK

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҲУРМАТЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

KELAJAK POYTAXT YO‘L

УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Сизларни муборак айёмларимиз —*

Истиқлолимизнинг 18 йиллиги
ҳамда жонажон шаҳримиз
Тошкентнинг 2200 йиллик қутлуғ тўйи
билан чин дилдан самимий қутлайди.



*Барчангизга соғлик,*
*оилавий бахт*
*ва омад ёр бўлсин.*
*Истиқлол қуёши*
*заминимиз узра*
*абадий нур*
*сочиб турсин.*

# АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми — Мустақиллик куни ҳамда пойтахтимиз азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан қизғин муборакбод этамиз.



Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати янада ошсин, халқимиз ҳаёти фаровон, юртимиз ҳамиша тинч ва осуда бўлсин!



*Энг ўқимишли ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий китоблар бизда нашр этилади. Мактаб дарсликлари, ўқув анжомлари, дафтарлар, кундаликлар, рейтинг дафтарлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари босмахонамизда тез ва сифатли чоп қилинади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: (+99871) 244 34 01, 244 37 81, 244 33 79. Факс: (+99871) 244 38 10.*

**«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси**

Маҳсулотлар сертификатланган.

# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!



Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги тантаналари барчангизга муборак бўлсин. Хонадонимиз обод, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон, юртимиз тинч бўлсин.

Мустақиллигимиз қуёши абадий нур сочиб, юртимиз шуҳрати янада юксалаверсин.

**Хусусий тадбиркор «Нигманов З.Т.» жамоаси**

Корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий мебелларни харид қилинг.

Маҳсулотлар сертификатланган.

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!




Мустақиллик — тақдиримда

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

**Абдуғани ҚОСИМОВ, «E'TIQOD» хусусий корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

**— Пойтахтимизда қўш байрамлар шукуҳи ҳукмрон бўлган айни кунларда барча ватандошларимиз, ҳамшаҳарларимиз қалбида фахрланиш туйғуси мужассам десам, асло муболаға бўлмайди. Буюк неъмат Мустақиллигимизнинг навқирон 18 йиллик тантаналарига жонажон Тошкентимизнинг қутлуғ 2200 йиллик тўйи уланиб кетаётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда.**

Куни кеча иш юзасидан Малайзия давлатидаги сафардан қайтдим. У ерда кўргазмаларда бўлдим, ишбилармонлар билан учрашдим, мебель саноати ютуқлари билан танишдим, ҳамкорлар орттирдим. Ва албатта, уларнинг яхши томонларини хусусий корхонамиз фаолиятида қўллашни мақсад қилдим.

Бундай хориж сафарлари, учрашувлар, тадбиркорликка очилган кенг йўл, эркин фаолият юритиш учун имкониятлар, ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватлашлар, имтиёз ва кафолатларнинг барчаси юртимизнинг Истиқлолга эришгани шарофатидир. Буни мен ўз корхонам мисолида яққол кўраманки, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз боис ҳам дадил ривожланиб бормокдамиз.

Бугунги кунда энг замонавий хориж технологик линиялари ўрнатилган цехларимизда 90 нафардан зиёд малакали мебелсоз меҳнат қилиб, маҳсулотларимиз тури 70 хилдан зиёдни ташкил этмоқда. Ўтган 10 йилдан ортиқ вақт ичида ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириб, ўнлаб қўшимча ишчи ўринлари яратдик. Барча қулай иш шароитлари муҳайё этилган цехларимиз, замонавий муҳташам кўргазмалар саройимиз, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош мебель маҳсулотларимиз муваффақиятларимизни ёрқин ифодалаб турибдики, буларнинг барчаси аввало мустақиллик шарофати бўлса, иккинчидан изланишларимиз самарасидир. Ишонч билан айта оламан, корхонамизда тайёрланаётган, дизайни ўзига хос мебелларимиз хорижникидан асло қолишмайди, Малайзия мебелларидан кам жойи йўқ. Президентимиз соврини учун ўтказилган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, шаҳар, республика босқичларида бир неча бор ютуқларимизни кўз-кўз қилдик ва энг яхши тадбиркорлар сафидан ўрин олдик.

Мен учун яна бир қувончли нарса, меҳнатларим муносиб баҳосини олмоқда. Кўксимни «Шуҳрат» медали безаб турибди. Албатта, бундай рағбатларга муносиб бўлиш, иқтисодиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиш, эл-юрт фаровонлигини таъминлашда фаол бўлиш, ички ҳамда ташқи бозорда ўрин топиш асосий мақсадларимиз сирасига киради. Қутлуғ шодиёналарни ўзига хос ютуқлар, янги турдаги маҳсулотлар билан кутиб олар эканмиз, ҳали эзгу ниятларимиз кўп ва улар, албатта ижобат бўлади.

**Шу кунларда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчаси Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантаналарига бағишланмоқда.**

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ — ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Шундай тадбирлардан бири яқинда Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиникада бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимизнинг жорий йилнинг 13 апрелидаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларининг ижроси борасида ҳамда қўш байрамларни нишонлаш, бу саналарнинг биз учун қанчалик муҳим эканлиги ҳақида гапирилди.

— Қирқ мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган бу шифо масканида икки юздан зиёд ходим фаолият олиб боради. Ҳозир катта шодиёналар арафасида турибмиз. Ўн саккиз йил бир қарашда кам ҳисоб, лекин бу вақт мобайнида эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар, буларнинг барчаси юзлаб йилларни талаб этадиган даврдир. Шундай экан, барчамиз бир-биримизга елкадош бўлиб, Ватанимизнинг бундан кейин янада юксалиб, равнақ топиши учун меҳнат қилишимиз керак, — дейди 44-оилавий шифохона бош шифокори Муқаддас Раҳматиллаева.

Тадбир давомида шунингдек, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази масъул ходими Обилжон Сафаров сўзга чиқиб, пойтахтимизнинг қадимги номлари, маҳаллалари ва шаҳар аҳолиси ҳақида йиғилганларга бири-биридан қизиқ маълумотларни айтиб берди.

**Зебунисо НАЗИРОВА, ЎзМУ талабаси**





### Миллий дастур — амалда

## ЯНГИ КОЛЛЕЖ ҚАД РОСТЛАДИ

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламда бунёдкорлик, ободончилик, янгиланиш ишлари амалга оширилиб, шаҳримиз таниб бўлмас даражада чирой очди. Ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб камолга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Янгидан-янги замонавий таълим масканлари бунёд этилиб, замон талаблари даражасидаги жиҳозлар билан таъминланаётганлиги фикримиз далилидир.**

Буларнинг бари Истиқлол неъмати десак адашмаймиз. Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар ижроси йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардир. Бу йил ҳам Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллиги шодиёналари арафасида Бектемир туманида республикада ягона бўлган янги Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи биноси қад ростлади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда турли соҳаларда етук мутахассислар тайёрлайдиган, касб-ҳунар йўналтирилган коллежлар кўп. Лекин, телевидение ва радио соҳасида касб-ҳунар ўргатадиган ўқув маскани йўқ эди. Эндиликда шундай соҳада малакали мутахассислар тайёрлайдиган коллеж ўз фаолиятини бошлайди.

Республикада ягона бўлган мазкур таълим масканига келгусида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ўқувчилар қабул қилиш имкони яратилади, — дейди мазкур коллеж директори Набихўжа Ёдгоров. «Умумқурилиш сервис» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган, уч қаватдан иборат бўлган мазкур коллеж замонавий қиёфага эга бўлиб, ўқув масканида катта ва шинам фаоллар зали, 3 та компьютер хонаси, 2 та лингафон хонаси, Маънавият ва маърифат хонаси, лаборатория, 4 та махсус ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали мавжуд. Махсус ўқув хоналарида касбга йўналтирувчи фанлар бўйича тажрибали педагог ўқитувчилар дарс ўтишади. Бу йил коллежга режа асосида 300 нафар ўқувчи-ёшлар қабул қилинди. Ўқув масканида ўқувчилар 7 та йўналиш бўйича таълим оладилар, касб-ҳунар ўрганадилар. Жумладан, Телевидение ва радио операторлиги иши, махсус ёритиш, овоз операторлиги, радио эшитириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларига техник хизмат кўрсатиш, видеомонтаж йўналиши, бухгалтерия ҳисоби, компьютер тармоқларини монтаж қилиш ва таъмирлаш шулар жумласидан. Ҳозирги кунда коллеж замон талаблари даражасидаги жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Ёшлар бизнинг — келажагимиз. Улар мана шундай замонавий таълим масканларида таълим олиб, юрт истиқболи ва равнақига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишадилар албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Бектемир туманида қад ростлаган Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

### Янги ўқув йили олдидан

## БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

**Мана, талаба ва ўқувчиларнинг мароқли таътил кунлари ҳам тугади. Барча шарт-шароитлар тахт қилиниб, таъмирланган, қўшимча жиҳозланган барча ўқув даргоҳлари уларни интизорлик билан кутмоқда.**

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги, навқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг янада кўркамлашиб, янгидан-янги иншоотлар ва биноларнинг қад кўтаргани, амалга оширилган улкан яратувчанлик, ободончилик ишлари Ватанимизнинг янада кўркига кўрк, гўзаллигига гўзаллик қўшди. Шу жумладан бизнинг Алоқа касб-ҳунар коллежимизда ҳам «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили, Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим Тошкентимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан бир қанча таъмирлаш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Айниқса, коллежимизда 35 мингдан ортиқ илмий ва бадиий адабиётлар фондига эга бўлган Ахборот-ресурс марказининг барча шарт-шароитларга эга, таъмирланган янги бинога кўчгани диққатга сазовордир.

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, дейди доно халқимиз. Бизда таҳсил олаётган уч мингга яқин ўқувчи-талабалар ёзги таътилни мазмунли ва фойдали меҳнат билан ўтказиш мақсадида коллежимизда ёз бўйи мунтазам ишлаб турган радио-телевидение, математиклар, спорт, экология, инглиз тили, рус тили ва бошқа тўгаракларга қатнашиш билан бирга амалиёт ўташ, коллеждаги таъмирлаш ишларига кўмаклашган ҳолда кўнгилли ҳордиқ чиқариб, ёзги таътилни якунладилар. Шунингдек, коллежимизнинг ташкил топганлигининг 80 йиллиги олдидан ёз бўйи икки босқичда олиб борилган реконструкция ишлари натижасида барча бўлим ва кафедралар, ўқув бинолари тўлиқ таъмирланиб, қўшима равишда замон талаблари асосида қайта жиҳозланди.

Бир сўз билан айтганда, ёш авлодни соғлом ва бақувват, маънавиятли, билимдон, ақлан етук ва ўз Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаб, камолга етказиш, бор билим ва тажрибаларимизни уларга етказишни биз ўқитувчи-мураббийлар ўз асосий бурчимиз ва эзгу мақсадимиз деб биламиз.

**Полвонназар РАҲИМОВ, Алоқа касб-ҳунар коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари**

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

“Тошкентгазтаъминот” унитар корхонасининг “Тошкентшаҳаргаз” филиали

*Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади!*

*Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, Ватанимиз, шунингдек шаҳримиз гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!*

*Фурсатдан фойдаланиб қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:*



— газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;

— газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;

— агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария диспетчерлик хизматига ёки “Тошкентшаҳаргаз” марказий авария диспетчерлик хизматига 04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш – шаҳримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш имкониятини яратади.

Хонадонингизни тинчлик – хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша хурсандчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

«Тошкентшаҳаргаз» филиали маъмурияти.

### Маънавият

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИДА

**Мамлакатимиз олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кенгашлари вакиллари учун уюштирилган республика семинар-тренинги «Юксак маънавиятли шахсга қўйилаётган талаблар» деган мавзуга бағишланди.**

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган бу тадбирда Самарқанд Давлат чет тиллар институти, Андижон Давлат тиллар институтидаги хотин-қизлар кенгашларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни амалга оширишдаги илғор иш усуллари яхши баҳоланди.

Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича тавсия тақдим этилди.

## ЗУККО КИТОБХОНЛАР

**«Йил китобхони» республика танлови ўқувчи ёшлар маънавий камолоти йўлида кўрилган муҳим тадбирлардан бири бўлди.**

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Касб-ҳунар таълими маркази томонидан ўтказилган бу беллашувларда Тошкент Ислом университетида фаол китобхонлар билан олиб борилаётган маънавий ишларга ҳам яхши баҳо берилди.

Олий ўқув юрти ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси Бибиробия Саидова совринли ўрин билан тақдирланди.

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Темирйўлчиларнинг бир гуруҳ тингловчиларига малака ошириш ўқув курсини муваффақиятли якунлаганлари тўғрисида сертификатлар топширилди.**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси тасарруфидаги барча минтақавий темирйўл узеллари ва ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимларидан иборат бу гуруҳ «Маънавият тарғиботчиси» малака ошириш ўқув курсларида фаол иштирок этди. Республика Маънавият тарғибот маркази иштирокида ташкил этилган ушбу тадбир дастури бўйича таниқли сиёсий шарҳловчиларнинг маърузалари тингланиб, маънавиятимиз қирралари, муаммо ва ютуқлари тўғрисида тингловчиларда чуқурроқ тасаввур ҳосил қилинди.

## АРАБ ТИЛИ ДАРСЛИГИ

**Тошкент Давлат шарқшунослик институти олимлари изланишлари билан қатор ўқув адабиётлари юзага келмоқда.**

Олий ўқув юртининг шарқ тиллари кафедраси томонидан босмага тайёрланган дарсликлардан бир нечтаси чоп этилди.

«Араб тили» деб номланган ўқув дарслигининг нашр этилиши кафедранинг навбатдаги ютуғи бўлди. Ўзбекистонда илк бор чоп этилган бу ўқув адабиёти ўз мундарижа ва мазмуни билан ажралиб туради. Ушбу нашр арабшунослик билан шуғулланаётган ёш мутахассислар учун ҳам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

## ЭНЦИКЛОПЕДИК НАШРЛАР

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси китоб фонди янги адабиётлар ҳисобига бойиди. Улар орасида тилшуносликка оид нашрлар ҳам бор.**

«Психологик тестлар катта энциклопедияси» деб номланган янги нашр ҳам қизиқиш билан ўқилди. Шунингдек, «Афоризмлар энциклопедияси», «Хорижий сўзларнинг катта луғати» билан ҳам яқиндан танишиш мумкин.

«Жаҳон халқлари маданияти тарихи» китоби ҳам кўргазмадан ўрин олди.

## АУДИО КУТУБХОНА

**Республика болалар кутубхонасида аудио-кутубхона зали очилди.**

Мактаб кутубхоналарида аудио-китобларни тарғиб этиш билан шуғулланадиган бу бўлим ўзининг дастлабки овозли ёзувли дискларини тайёрлашга муваффақ бўлди. Уларда Саид Аҳмад, Мирмуҳсин каби ёзувчилар асарлари намуналари ҳам ўз аксини топди.

**Акбар АЛИЕВ**


Азиз юртдошлар ва муҳтарам ҳамшаҳарлар!
NERUDNIK
Барчангизни мамлакатимиз
Мустақиллигининг 18 йиллиги
ҳамда жонажон Тошкентимизнинг муборак
2200 йиллик тўйи билан чин қалбдан табриклаймиз.
Она Ватанимизнинг равнақи, пойтахтимиз ободлиги,
халқимиз фаровонлиги йўлида эзгу мақсадлар билан
меҳнат қилаётган корхонамиз жамоаси қутлуғ айёмлар
арафасида сиз азизларга мустаҳкам соғлик,
ишларингизда улкан ривож,
оилавий бахту саодат тилайди.
Дастурхонингиз тўкин, бахтингиз бутун, ризқу рўзингиз
зиёда бўлсин. Қалбингиздаги байрам
шукуҳи йил бўйи ҳамроҳингизга айлансин!
NERUDNIK
OTAJ
«NERUDNIK» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

MAXSUS MEXANIZATSIYALASHGAN YO'L STANSIYASI
жамоаси

барча юртдошларимизни,
диёримизга ташриф буюраётган
азиз меҳмонларни



икки муқаддас сана —
**Истиқлолимизнинг шонли 18 йиллиги**
ҳамда
**пойтахтимизнинг 2200 йиллиги**
билан чин кўнгилдан муборакбод этади!

***Мамлакатимизга мангу тинчлик,***
***халқимизга омонлик,***
***дастурхонимизга тўкинлик***
***тилаб қолади.***



Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



ТОШКЕНТ РАДИОАЛОҚА,
РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни,
пойтахтимиз аҳолиси
ва меҳмонларини
Энг улуғ ва энг азиз байрам —

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ**
**18 йиллиги**
ҳамда азим
**Тошкентимизнинг**
**2200 йиллик юбилейи**

шодиёнаси билан самимий
муборакбод этади.



*Мамлакатимизга истиқболи,*
*нурли, озод ва бахтиёр йўл,*
*халқимизга тинч,*
*тўкин ва фаровон ҳаёт бахш этган*
*Мустақиллигимиз байрами*
*яна бир бор қутлуғ бўлсин.*
*Республикамизнинг юраги*
*ҳисобланмиш навқирон ва гўзал*
*Тошкентимиз дунё нигоҳида ҳамиша*
*буюк ва янада сарбаланд бўлсин.*
*Икки муборак шодиёна халқимизга*
*тинчлик, тотувлик,*
*дастурхонимизга тўкинлик,*
*юртимизга эса бахт*
*ва шодлик олиб келсин.*



***Азиз ҳамшаҳарлар ва касбдошлар!***
***Барчангизни аждодларимизнинг азалий орзуси бўлган ҳурлик, озодлик байрами —***




*Истиқлолимизнинг 18 йиллиги*
*ҳамда азим ва ҳамиша навқирон*
*Тошкентимизнинг 2200 йиллиги*
*муносабати билан самимий*
*муборакбод этамиз.*

*Тошкент шаҳар*
*стандартлаштириш*
*ва метрология*
*бошқармаси жамоаси.*



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2009 йил 22 сентябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан такроран арзонлаштирилган нархда, (ижро ҳужжати 20.02.2009 й. №2-164-08) Ҳамза тумани Мўйноқ кўчаси 241-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.** 1.«Мерседес Бенц Е-280» русумли д/р 14АЕ485 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 67 534 503 сўм. 2.«Нексия» русумли, д/р 14U 6008 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10.709 342 сўм. 3.«Нексия» русумли, д/р 11N7965 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 086 020 сўм.

Мазкур мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114.МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел.228-79-52 www.rkmb.uz

**– Қариялар «Бошинг оқарсин» деб дуо қилади. Бу ҳикматнинг мазмун-маъносини англаб етсангиз, узоқ умр кўришнинг сири нимада эканлигини ҳам тушуниб етасиз, — дейди таъкидлаб ҳали бериб улгурмаган саволимизга Гайнижамол онахон Султонова.**

Юз билан юзлашганлар

# БАРЧАМИЗНИ ШУНДАЙ ТАБАРРУК ЁШГА ЕТКАЗСИН

Беш йил аввал бир асрга юз тутган бу пиру бадавлат онахон хонадонидан айни шукуҳли кунларда меҳмонлар қадами аримаётир. Рўза-рамазон ойи, қўшалоқ байрамлар ва яна бир сабаб ушбу файзли хонадонга кўпчиликни чорламоқда. Гайнижамол онахон давлатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган юз ёшдан ошган отахон ва онахонлар қаторида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Элу юртда қадр-қиммат топган бу инсоннинг ҳаёти мисолида бутун бир мамлакатнинг кўплаб тарихий саҳифаларига гувоҳ бўлиш мумкин. Онахоннинг ўзлари таъкидлаб ўтганларидек, 105 га кириб, узоқ умр кўрган бўлишларига қарамасдан, кўрган-кечирганларини яхши ёдга оладилар, бироқ суҳбатда фақат бугунги нурли, залворли кунлар ҳақида гапиришни истайдилар.

– Чунки, — сўзида давом этади Гайнижамол онахон, — айнан Истиқлол менинг кучимга куч, қувватимга қувват бахш этиб, доимо меҳнатда бўлганим боис умримни узайтиришга имкон яратди. Узоқ умр кўришнинг ўзга сири бўлмайди, назаримда...

Бизнинг замин том маънода қутлуғ. Ўзбек заминидан жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз етишиб чиққан. Шу заминдан бир эмас, бир неча юз йиллар мобайнида дунё халқлари эътирофига сазовор бўлган машҳур кишилар етишиб чиққан. Айнан шу қутлуғ замин бизга ота-боболаримиз, менинг ёшлик чоғим авлодлари ҳам интилган стақил ҳаёт йўлида сарбонлик қилди. Баъзида биз ота-она сифатида оиламизни бошқаришга, фарзандларимиз инжиқликсиёсат юритгани боис, мана 18 йилдан бери биз ўз танлаган йўлимиздан оғишмай, эртанги кун, келажак сари интилиб бо-



орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш имконини берди...

Мен 105 ёшдаман, демак, мана шундай баралла гапиришга ҳаққим бор деб ўйлайман. Дарҳақиқат бизнинг Президентимиз тарихнинг қийин бир дамларида жасорат кўрсатиб, 25 миллионлик халқимизга мустақил ҳаёт йўлида сарбонлик қилди. Баъзида биз ота-она сифатида оиламизни бошқаришга, фарзандларимиз инжиқликларини кўтаришга ожизлик қиламиз. Етти ўлчаб, бир кесилмаса, бироз хатога йўл қўйилса борми, бутун бошли оила барбод бўлиши мумкин. Шундай эмасми? Гап ахир бутун халқ, бутун бир давлат ҳақида-ку?! Буларни яхши тушунган Юртбошимиз оқилона сиёсат юритгани боис, мана 18 йилдан бери биз ўз танлаган йўлимиздан оғишмай, эртанги кун, келажак сари интилиб бораётирмиз. Биз энди яхши яшаяпмиз, чунки бугунги ҳаётимиз — бу эркин ҳаёт, ҳеч ким устингда буйруқ бермайди, қўрқув ҳисси тарк этди бизни... Буларнинг ҳаммасини ўз ҳаётимдан ўтказганим, кўриб бўлганим боис, шундай деяпман.

Ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи. Фақат инсонларнинг ишлари барҳаёт, боқий бўлиши мумкин. Ҳаракатларимиз қанчалик очиқ кўнгиллик билан, пок ният ила қилинса, шунчалик ишимиз бароридан келади.

Онам мени кўп марта «Бошинг тошдан бўлсин, бошинг оқарсин» дея дуо қилар эдилар. Энди-энди шу ёшга кириб, бу сўзларнинг ҳикматини тушунгандайман. Сабр-қаноатли, бардошли кишигина узоқ умр кўради, ҳаётда бахтли бўлади. Менинг ҳам ҳаммага тилагим — узоқ умр кўринг, энг муҳими — ҳаётингиз мазмунли бўлишига интилиб яшанг. Яхшиликка йўғрилган ишларингиз албатта бардавом бўлади.

... Табаррук ёшдаги ота-оналарни гап устида тўхтатиш одобдан эмас. Ушбу қоидага риоя қилган ҳолда, биз ҳам суҳбатда ҳам жиддий, ҳам дилкаш онахонни ортиқча саволга тутмасдан фақат тинглаб, ҳар бир сўзларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик. Ҳайратланарлиси, Гайнижамол онахон шу ёшга кирганликларига қарамасдан, ҳануз тетик, бардам, фикрлари тиниқ ва равшан. Бунга юқорида шоҳид бўлдик. Бизнинг фақат бу ноёб ҳаёт соҳибаси портретига айрим чизгилар қилишимиз қолди холос.

Халқимизда бежиз «Жаннат оналар пойи остида» дейилмайди... Гайнижамол онахоннинг 11 фарзанди, 61 невараю чеваралари бор. Бироз фурсат ўтгач катта фарзандлари оиласида биринчи абира туғилади ва Гайнижамол онахоннинг олтинчи авлодини бошлаб беради. Шундай бўлсин. Ниятимиз — дунёга келган янги фарзанд ўзидан олдинги олтинчи авлод вакили — энг катта бувижонисига ўхшаб соғлом бўлиб, узоқ умр кўрсин.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТДА: Гайнижамол ая чеваралари даврасида.**

**Ҳаким Солиҳов олган сурат**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

**“ПАНЧАТАНТРА”ДАН**

**Кимки бўлса матонатга ёр,**
**Нияти пок, сўзи устувор,**
**Дўст бошига хатар тушганда,**
**Қутқармоққа бўлади тайёр.**

* * *

**Ғараз ҳукмрон ерда**
**маккорликнинг чеки йўқ,**
**Душман ўзин дўст дейди,**
**дўст айланар душманга.**

* * *

**Жаҳолатга берилган ёвуз,**
**Фосиқ дўстга ишонма асло.**
**Хавфсизроқдир ундан душманинг,**
**Авлороқдир илон ўйнаган.**

* * *

**Хатар олисда эмас, қўрқинч**
**зиён етказмас,**
**Офат юз берган чоғда дарҳол**
**чорасин кўринг.**

* * *

**Зулм тухумин сочган топар**
**албат ҳалокат.**

* * *

**Ҳар нарсага моҳирдир оқил,**
**Тиришган етадир ниятга.**
**Чидамли кимни енгмас,**
**Ёқмас кимга ширин сўз.**

* * *

**Касаллик ҳам душманлик**
**хавфлидир, оёққа тур!**
**Ўз ҳолига қўйсанг гар,**
**ҳалок айлар муқаррар.**

* * *

**Дадил бўлсанг, омад сеники,**
**“Қисматим шу!” – дейди қўрқоқлар.**
**Иккиланиб ўтирмагин сен,**
**Ютқизсанг ҳам айб бўлмас шунда.**

* * *

**Тўғрими, сирингни дўстдан яшириш?**
**Дўстдан шубҳаланмоқ**
**тўғри бўларми?**
**Кўнгил қўйиб ишонган чин дўстинг**
**Она каби бўлар сенга қадрдон.**

* * *

**Ўз кучига ишонган**
**Мард йигит жангга кирса,**
**Айриликларни енгиб,**
**Парчалар тўсиқларни.**

* * *

**Ҳирс ўтида кутурган**
**филдан етмас манфаат,**
**Ғайрат билан ишлаган**
**ожизлик айбин ёпар.**

* * *

**Олижаноб одамнинг**
**Оз иши ҳам кўпдайдир.**
**Баланд тоғнинг қорига**
**Тушган ой нуридайдир.**

* * *

**Кўнгли бузуқларнинг ҳеч**
**Яхшилиги кўринмас.**

* * *

**Яхшини паст маҳв этар,**
**Жоҳиллар – ёруғликни.**
**Одобсизга дўстлик ҳайф,**
**Ношукрга – яхшилик.**

* * *

**Тирик жонзотни халос этмоқ –**
**зўр савоб.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Спорт янгиликлари

# ҲАМЮРТИМИЗ —СОВРИНДОР

**Япония пойтахти Токио шаҳрида сув спорти турлари бўйича уюштирилган Осиё чемпионати мусобақалари Ўзбекистон терма жамоасига шода-шода медалларни тақдим этди.**

Сув полоси бўйича ғолиблик учун кураш олиб борган Ўзбекистон аёллар терма жамоасига кумуш медаль насиб этди.

Синхрон сузиш баҳсларида омадини синаб кўрган Шоҳида Зоҳидова ва Севара Бобоқулова (соло), Гулсанам Йўлдошева, Севара Бобоқулова (дуэт) кумуш медаллар билан тақдирланишди.

Сузиш баҳсларида иштирок этган вакилларимизга бешта кумуш, олтита бронза медаллари насиб этди.

# ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

**Арманистоннинг Жермук шаҳрида шахмат бўйича ташкиллаштирилган ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқич мусобақалари якунланди.**

Ўн тўрт нафар халқаро гроссмейстер ғолиблик учун ўзаро кураш олиб борган нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов муносиб ҳимоя қилди. Ҳамюртимиз ўтказилган ўн учта ўйиннинг учтасида ғалаба қозонди, тўққизта беллашувда рақиблари билан муроса йўли танланди. Фақатгина исроиллик «ақл гимнастикаси» устаси Борис Гельфандга ўн иккинчи турда имкониятни бой бериб қўйган ҳамюртимиз 6,5 очко жамғариб турнирни еттинчи ўрин билан якунлади.

Халқаро гроссмейстер Василий Иванчук 8,5 очко билан турнирни биринчи ўрин билан якунлаган бўлса, Борис Гельфанд ва Левон Аронянлар иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Юнусобод тумани Ҳасанбой даҳасида «Ёшлик» болалар спорт мажмуаси қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди.**

# ҲАСАНБОЙДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ






Президентимиз раҳнамолигида юртимизда болалар спортини ривожлантиришга, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик юксак самаралар бераётир. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитга эга, замонавий спорт мажмуаларининг қад ростлаётганлиги бунинг далилидир.

Ҳасанбойда янги қурилган мажмуада зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари мавжуд. Унда бир вақтнинг ўзида юздан ортиқ ўғил-қиз кураш, қўл жанги, кикбоксинг, шахмат-шашка, гимнастика, футбол, стол тенниси каби спортнинг кўплаб тури билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

— Президентимизнинг биз, ёшларга қаратаётган эътиборидан миннатдормиз, — дейди кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони Равшан Рўзиев. — Илгари тайёргарлик кўриш учун шаҳар марказига боришимизга тўғри келар эди. Энди маҳалламизнинг ўзида шуғулланиш учун барча шароит яратилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан пойтахтимизда ўтказиладиган шодиёналар, халқ сайиллари давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими фармойишига мувофиқ **2009 йил 31 август, 1-2 сентябрь кунлари** шаҳримизнинг қуйидаги манзиллари бўйича транспорт ҳаракати қатновининг вақтинча чекланиши кўзда тутилмоқда:

**2009 йил 31 август куни соат 15.00 дан то 23.00 гача**

— Бунёдкор шоҳкўчаси — Муқимий кўчасидан А.Хўжаев кўчасига қадар;
— А.Хўжаев кўчаси — Самарқанд Дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;
— Ўзбекистон кўчаси — Бунёдкор шоҳкўчасидан Олмазор кўчасига қадар;
— Бобур кўчаси — Б. Бобоев кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;
— Т.Тўла кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;
— Фурқат кўчаси — Олмазор кўчасидан А.Навоий кўчасига қадар;
— Олмазор кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар;
— Ғ.Ғулом кўчаси — тоннелга кириш йўлидан;
— Заркайнар кўчаси — тоннелга кириш йўлидан.

**2009 йил 1 сентябрь куни соат 7.00 дан то алоҳида кўрсатмагача:**

— Амир Темур шоҳкўчаси – Истиқлол кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар,
— Мустақиллик шоҳкўчаси – Шаҳрисабз кўчасидан Амир Темур хиёбонига қадар,
— Тараққиёт кўчаси – Шаҳрисабз кўчасидан Амир Темур хиёбонига қадар,
— Истиқбол кўчаси – Шаҳрисабз кўчасидан Амир Темур хиёбонига қадар,
— Бухоро кўчаси - М.К. Отатурк кўчасидан Амир Темур шоҳкўчасига қадар,
— Матбуотчилар кўчаси – М.К. Отатурк кўчасидан Амир Темур шоҳкўчасига қадар,
— М.К.Отатурк кўчаси – Истиқлол кўчасидан Сайилгоҳ кўчасига қадар.

Шу билан бир қаторда **2009 йил 1 ва 2 сентябрь** кунлари байрам тадбирлари ўтказиладиган «Авиасозлар» маданият саройи ва Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонларга, Сайилгоҳ кўчасига, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги ҳамда «Боғишамол» ва «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғларига, Ибн Сино гузарига, Талабалар шаҳарчасига, «Ниҳол» спорт мажмуасига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатнови вақтинча тўхтатилади.

Шароит тақозо этганда, бошқа кўчаларда ҳам транспорт воситаларининг ҳаракати қисқа муддатга чекланиши мумкин.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2862 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 706

Топширилган вақти: 16.00